REPUBLIKASI MILLIY KIT... ATAM... INV.N

Ушбу сонда:
2 Фарзандликка олиш
3 Ярашув институти
XXI АСР НАФАСИ — воқеалар, хабарлар, тафсилотлар
4 “ДЕНГИЗ ЧАҚМОҒИ”

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 7 (514) 2007 йил 20 февраль сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Ипотекага олувчи ипотека тўғрисидаги шартнома шартларига мувофиқ ёки шу шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулк асралишини таъминлаш зарурлиги сабабли уни сақлаш ва (ёки) муҳофаза қилиш учун ёхуд ипотекага қўювчининг ана шу мол-мулк билан боғлиқ солиқлар, йиғимлар ёки коммунал тўловлар бўйича қарзларини узиш учун харажатлар қилишга мажбур бўлган ҳолларда, ипотекага олувчига бундай зарур харажатларнинг қопланиши гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобидан таъминланади.

«ИПОТЕКА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН 8-МОДДА

Islohot va mas`uliyat

Тараққиётимизнинг барқарор одимлари

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда барча соҳаларда кенг-кўламли ислоҳотлар амалга оширилди ва бу жараён изчил давом эттирилмоқда. Бу бунёдкорлик ишларини адлия органларининг фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зотан, мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича муҳим қонунлар қабул қилинди ва уларнинг ижроси таъминланмоқда.

Маълумки, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш адлия органларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Конституция ва қонунларимиз билан кафолатланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқаролар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизми яратилмоқда. Нотариат, адвокатура, ФХДЁ идоралари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатувчи тузилмалар фаолиятини такомиллаштиш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари, хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестициялари жалб этилган корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ижобий ишлар амалга оширилди. Қолаверса, замонавий талаблар асосида ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини муттасил ошириб бориш йўлга қўйилди. Хуллас, давлатимизнинг стратегик мақсади — ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларда адлия органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Истиқлол юртимизни дунёга танитди, дунё ҳамжамиятида ўз ўрни ва ўз мавқеига эга бўлиш имкониятини яратиб берди. Ўтган ўн беш йил ичида Ўзбекистонда юз йилларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислом Каримов томонидан янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан изчил бориш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш асосий вазифа этиб белгиланди.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳақида фикр юритиб, жорий йилдаги устувор вазифаларни белгилаб бераркан, жумладан, шундай деб таъкидлади: **«Биз 2007 йилга истиқбол кўрсаткичлари ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларини белгилар эканмиз, аввало, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик янгилаш, жамиятни эркинлаштириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштириш заруратидан келиб чиққан ҳолда олиб боришимиз лозим».**

Дарҳақиқат, ўтаётган ҳар бир йил мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида ташланган дадил қадам сифатида жонажон Ватанимиз тарихи зарварақларига муҳрланмоқда.

Маълумки, демократик тараққиёт йўлини танлаган жамиятимиз олдида, биринчи галда, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини, фуқароларимиз онгида қонун асосида яшаш тарзини шакллантиришдек долзарб вазифа турибди. Мустақиллик йилларида миллий давлатчилигимизнинг тарихий тажрибаларига ва халқаро ҳуқуқий андозаларга таянган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат ҳамда эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида тарихий ислоҳотлар амалга оширилди.

Президентимиз Ислом Каримов Конституциямизнинг ўн тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимда алоҳида таъкидлаганларидек: **«Биринчи навбатда олиб бораётган сиёсатимизнинг ҳуқуқий асосларини ва қонуний нормаларини янада такомиллаштириш устида ишлашни ҳаётимизнинг ўзи тақозо этаётганлигини, ана шу асос ва нормаларни талабларига мос равишда аниқ ва равшан белгилаб қўйиш, мавжуд қонунчилик базасини қайта кўриб чиқиш ва амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарурати, бугун мавжуд бўлган ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини ошириш масаласини ҳар бир фуқаро ўз кун тартибига қўйиши лозим».**

Адлия вазирлиги ва унинг тизимидаги органлар қонун ижодкорлигига доир вазифалар ўз вақтида, сифатли бажарилишига масъулдир. Ўтган йил мобайнида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялашга йўналтирилган муҳим қонун лойиҳалари тайёрланди. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида, ўрнатилган талабларга мувофиқ, ҳуқуқий хулосалар берилди. Хусусан, 220 та қонун лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 290 та ва Вазирлар Маҳкамасининг 507 та қарорлари лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, уларга ҳуқуқий хулосалар берилди.

Айни пайтда **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”**ги қонунга биноан, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисоби юритилмоқда. Жумладан, 2006 йилида 449 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат ҳисобига олинди, назорат ҳолатига келтириш мақсадида расмий нашрлардаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларга 2630 та ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида белгилар қўйилди.

Ўтган йил давомида **“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”**нинг **52** та сони, **“Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами”**нинг 1-2-сони, **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ахборотномаси”**нинг **10** та сони нашрга тайёрланиб, чоп этилди.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш марказининг моддий-техник базаси шакллантирилди, марказ малакали кадрлар билан таъминланди, 10 га яқин ички норматив ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Марказ томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятида тадбиркорликка оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказилди ва натижалари юзасидан таҳлилий маълумотлар тайёрланди. Шунингдек, мониторинг натижалари Адлия вазирининг Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисида қилган ҳисоботи орқали кенг жамоатчилик эътиборига етказилди.

Қонунлардаги ҳаволаки нормаларни аниқлаш мақсадида улар инвентаризация қилинди. Натижалари бўйича **“Қонунлардаги ҳаволаки нормаларни амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш режасини тасдиқлаш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Булардан ташқари, тегишли вазирлик ва идоралардан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар олиниб, таҳлил қилинди ва қайта ишланиб, Вазирлар Маҳкамасининг қонун лойиҳаларига доир иш режалари ишлаб чиқиш ва уларнинг ижроси мониторингини амалга ошириш йўлга қўйилди.

Қонун ҳужжатларини туркумлаштириш ва уларнинг нусхаларини жойларга етказиш, янги қабул қилинган қонунлар асосида амалдагиларининг назорат ҳолати юзасидан 50 та идора фаолияти ўрганилди. Шундан 34 та идорада тадбиркорликка оид янги қонун талаблари асосида амалдагилари мослаштирилмагани ёки туркумлаштириш ишлари олиб борилмагани аниқланди.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот, шу жумладан, қонун ҳужжатларини тушунтириш бўйича адлия органлари ва муассасалар томонидан 2006 йилда жами 36 341 марта ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилди. Бу тадбирларимиз 2005 йилдагига нисбатан 19 фоизга ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорига асосан, Суд департаменти ва унинг таркибий бўлинмалари ходимлари аттестациядан ўтказилиб, жами 748 ходимдан 592 нафари эгаллаб турган лавозимига лойиқ, 71 таси нолойиқ деб топилди. 10 нафар ходим аттестация ўтказилгунига қадар ўз аризасига кўра эгаллаб турган лавозимларидан озод этилди.

2006 йилда суд ижрочилари иш юритувида бўлган 1 290 850 та, жами 2 триллион 946 миллиард сўмлик ижро ҳужжатларидан 1 012 027 таси (78,4 фоизи), 2 триллион 571 миллиард сўмлик, яъни 91,5 фоизининг ижроси якунланди. Бу борада 16,8 фоиз ўсишга эришилди.

Давлат нотариал идоралари томонидан ўтган йил давомида жами 1,5 миллиондан ортиқ нотариал ҳаракатлар амалга оширилган бўлиб, бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 11,5 фоизга ортган. Жумладан, хусусий нотариуслар 1,2 миллиондан ортиқ нотариал ҳаракатларни амалга оширган бўлиб, бу кўрсаткич ҳам 21 фоизга ортган.

Республикада фаолият кўрсатаётган ФХДЁ органлари томонидан 2006 йил давомида 561391 та туғилганлик ҳақида, 208423 та никоҳ тузилганлиги ҳақида, 140040 та ўлим ва 4712 та никоҳдан ажралганлик ҳақида далолатномалар қайд этилган. Шу билан бирга, 67549 та оталикни белгилаш, 2865 та фарзандликка олиш, 8415 та фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш ҳаракатлари расмийлаштирилган. Ушбу ҳаракатлар учун 806 миллион сўм давлат божи, 1,8 миллиард сўм йиғим ундирилган, 1,2 миллиард сўмлик пуллик ҳуқуқий хизмат кўрсатилган.

Адлия вазирлиги томонидан қонун устуворлигини таъминлашда адвокатура тузилмалари шаклларининг фаолиятини такомиллаштиришга, уларга амалий ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2005 йилда адвокатлик фирмалари сони 294 тани ташкил этган бўлса, 2006 йилда 348 тага етган ёки 18 фоизга, адвокатлик бюролари сони эса, 420 тани ташкил этган бўлса, 2006 йилда 438 тага етган ёки 4,3 фоизга ошган. Республикамиздаги адвокатлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга жами 324 495 марта юридик ёрдам кўрсатилди.

Ўтган йили тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестициялари жалб қилинган корхоналар ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузишда, уларнинг бажарилишида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларига оид адлия органларига келиб тушган жами 11 461 та шикоят ва аризанинг 8 696 таси ёки 76 фоизи ҳал этилди. Мазкур муаммолар бўйича ариза ва шикоятлар сони 2005 йилдагига қараганда 1631 нафари ёки 16,5 фоизга кўпайган.

Шунингдек, адлия органларида ташкил этилган ишонч телефонларига 1434 марта мурожаат этилган бўлиб, шундан мурожаат қилганларнинг 811 таси, яъни 56,6 фоизи ҳуқуқлари тикланди.

Вазирлик томонидан 2006 йил учун маҳсулот етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш юзасидан тузиладиган 24 турдаги шартномаларнинг намунавий лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, адлия органлари орқали хўжалик юритувчи субъектларга амалиётда фойдаланиш учун етказиб берилди.

Адлия органлари иштирокида 2006 йили давлат эҳтиёжи учун пахта хомашёси етказиб бериш бўйича 83 584 та, маҳсулотлари етказиб бериш бўйича 58 831 та, шунингдек, 2007 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжи учун бошоқли дон етказиб бериш бўйича 82 120 та, пахта хомашёси етказиб бериш бўйича 89 202 та контрактация шартномалари тузилиши таъминланди.

Шартнома мажбуриятларини сурункасига бажармай келаётган ҳамда ердан мақсадсиз фойдаланаётган хўжаликларга нисбатан прокуратура органлари билан ҳамкорликда тегишли чоралар кўрилмоқда. Жумладан, 2006 йили давлат эҳтиёжи учун пахта хомашёси ва дон етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини бажармаган фермер хўжаликларидан 17 минг гектардан ортиқ ер майдонини қайтариб олиш юзасидан адлия органлари томонидан судларга даъво аризалари киритилди.

Бевосита адлия ходимлари иштирокида 995 та ширкат хўжалигининг тугатилиши ва улар негизида 100 мингга яқин фермер хўжаликларининг ташкил этилиши таъминланди. Қайта ташкил этиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан 509 та тақдимнома ва қонунбузарликка йўл қўйилишларининг олдини олиш бўйича тегишли идораларга 967 та огоҳномалар, қўпол қонунбузарликларга йўл қўйган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича прокуратура идораларига 74 та таклиф ва тугатилаётган ширкат хўжаликлари дебитор қарзларини ундириш бўйича судларга 1190 та даъво аризаси киритилди.

Тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини суд тартибида тўлиқ тиклаш, қонунбузилишда айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ёки ижросини тўхтатиш самарали натижа бермоқда. Хусусан, ҳисобот даврида судларга 64,3 миллиард сўмлик 26 545 та даъво аризаси киритилди. Шундан, 48,9 миллиард сўмлик (76%) 24 911 та (93%) даъво аризаси судлар томонидан тўлиқ қаноатлантирилди. 2005 йилдагига нисбатан даъво аризалари сони 31 фоизга ошган.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида 4808 та тақдимнома, 3479 та огоҳнома ва 395 та кўрсатмалар киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 4191 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Улардан 360 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 435 нафар айбдор шахс маъмурий ҳамда 83 нафар айбдор шахс жиноий жавобгарликка тортилди. Бу таъсир чоралари натижасида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаб қўйган давлат бошқарув идораларининг 2 092 та ноқонуний қарорлари бекор қилиниб, тадбиркорларга 3,3 миллиард сўм ва 152 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағлари қайтарилди.

Юридик шахслар, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказишда қонунчиликка риоя қилинишини таъминлашга қаратилган аниқ тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 2006 йил давомида 250 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхона, 400 та юридик шахслар бирлашмаси, 39 та бозор, 9 та аудиторлик ташкилоти ҳамда 12 та ломбард давлат рўйхатидан ўтказилди. Шунингдек, ўтган йилда жами 353 та нодавлат нотижорат ташкилотлар, шундан 87 таси давлат, 266 таси эса ҳисоб рўйхатига олинди.

Булардан ташқари, 354 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхона, 32 та юридик шахс бирлашмаси, 8 та аудиторлик ташкилоти, 3 та бозор ва 5 та биржа қонунчиликда белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилди.

Халқаро ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини самарали ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида вазирлик томонидан ҳисобот даврида 47 та кўп томонлама, 148 та икки томонлама халқаро шартномалар лойиҳалари ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилган кафолатлар бўйича 11 та кредит битимларига ҳуқуқий хулосалар берилди.

Кадрлар захирасини яратиш, кадрларни тайёрлаш ва танлашни амалга ошириш, белгиланган тартибда уларни жой-жойига қўйиш масаласида ҳам доимий назорат ўрнатилган. Марказий аппаратдаги лавозимларга 53 нафар, ҳудудий адлия органларида 227 нафар ёш мутахассислардан иборат бўлган дастлабки захира таркиби яратилди. Раҳбар ходимлар бўйича ҳам лавозимларга амалдаги захира таркиби тўлиқ шакллантирилди. 880 нафар адлия органлари ва муассасалари ходимларининг малакаси оширилди. Кўп йиллардан буён бир жойда ишлаб келаётган 86 нафар ФХДЁ мудиралари ротация қилинди.

Амалга оширилган бу ишлар, албатта, ўз самарасини бермоқда. Меҳнат фаолиятида фидойилик кўрсатган адлия ходимларининг 6 нафари давлат мукофотлари, 200 нафари “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил” эсдалик нишони билан тақдирланганлиги бунинг яққол далилидир.

Ижобий натижалар билан бир қаторда, адлия органлари ва муассасаларининг фаолиятида муайян камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд.

Биринчидан, қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш учун мазкур соҳага услубий раҳбарлик қилишни жонлантириш зарур. Шу билан бирга, тизимдаги баъзи адлия органлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш амалиётини жорий қилишда йўл қўйилаётган сусткашликка барҳам бериш керак.

Иккинчидан, ҳуқуқий тарғибот ишларида ҳамон сифат кўрсаткичи муҳим бўлиб қолаётир. Бу ишларнинг самарадорлиги талаб даражасига кўтарилмаётгани боис, кутилган натижаларга эришиш қийин бўлаётир. Шунингдек, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини жойларга етказишни ташкил этишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Учинчидан, республика нотариуслари томонидан расмийлаштирилган айрим нотариал ҳаракатлар уларда йўл қўйилган хато ва камчиликлар сабабли судлар томонидан бекор қилингани мазкур соҳа ходимларининг ўз ишларига масъулиятини кучайтиришни талаб этади.

Тўртинчидан, ўтган йил давомида адлия органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестициялари жалб қилинган корхоналарнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид мурожаатларга ҳуқуқий тушунтириш бериш билан кифояланилганки, эндиликда бу мурожаатларни назоратга олмаслик ҳолатларига чек қўйиш лозим.

Бешинчидан, халқаро ҳуқуқий муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан **«2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили»**, деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 23 январдаги Қарори билан **«Ижтимоий ҳимоя йили»** Давлат дастури қабул қилинди. Айни пайтда мазкур дастур асосида кенг қамровли ишлар киришилди. Дастурдан келиб чиққан ҳолда, зарур чора-тадбирларни белгилаш, инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган янги қонунларни ишлаб чиқиш, кам таъминланган оилаларга, ёрдамга муҳтож фуқароларга ёрдам кўрсатишдек халқимизга хос юксак инсонпарварлик амалларини кўрсатиш барчамизга жиддий масъулият юклайди.

Дарҳақиқат, Давлат дастурининг ижросини таъминлашда Адлия вазирлиги ва унинг тизимига кирувчи органлар бевосита масъулдир. Хусусан, дастурда белгиланган қонун ижодкорлигига доир вазифаларни ўз вақтида талаб даражасида бажариш биздан фидойилик ва фаолликни талаб этади. Зотан, мамлакатимизда қизғин кечаётган янгиланиш ва барқарор тараққиёт жараёнидан, халқимизга фаровон турмуш шароитини яратишдек эзгу ишдан ҳеч ким четда тура олмайди.

Есемурат КАНЬЯЗОВ,
Адлия вазирининг ўринбосари

Adliya tizimi

Ўқув машғулоти

Адлия вазирлигида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури»га асосан ўтказиб келинаётган навбатдаги ўқув машғулоти бўлиб ўтди.

Ҳуқуқий билимлар кунига бағишланган мазкур ўқув машғулотида Республика Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев маъруза қилди.

Нотиқ ўз маърузасида Байналмилал маданият марказининг 15 йиллик фаолияти хусусида тўхталиб, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашда марказ томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, миллатлараро тотувлик ғояси — бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасида ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асоси бўлибгина қолмай, ҳар бир миллат вакилининг имконияти ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун замин яратади. Бинобарин, уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади. Чунончи, Бош Қомусимизнинг 8-моддасида **«Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этади»**, — дея белгилаб қўйилгани ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Шунингдек, Конституциямизда **«Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади»**, — дея белгиланганги ҳам инсонпарварликнинг юксак намунасидир. Мустақиллигимизнинг илк кунларидаёқ миллий маданий марказлар фаолиятининг мувофиқлаштирилгани ва уларга кўмаклашиш мақсадида Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилгани эса бунинг амалий ифодасидир. Ҳозирги кунда Байналмилал маданият маркази 140 дан зиёд миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб турибди.

Ўқув машғулоти иштирокчилари Республика Байналмилал маданият маркази фаолиятига доир яна кўплаб маълумотларга эга бўлдилар.

У.ЭРГАШЕВА

Ҳаётбахш ғоялар

Адлия вазирлиги ҳамда вазирлик тизимига кирувчи органлар ва муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш — асосий вазифамиздир» маърузасини ўрганишга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.

2007 йил 16 февраль куни Фарғона вилоят адлия бошқармасида бошқарма ходимлари, ФХДЁ ва нотариал идоралари ходимлари иштирокида ўтказилган ана шундай анжуманда Юртбошимизнинг маърузаси ёзиб олинган видео лавҳа намойиш этилди. Шундан сўнг маъруза юзасидан адлия бошқармаси ходимлари сўзга чиқишиб, ундан келиб чиқадиган вазифалар хусусида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Бу каби тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар адлия бошқармаларида, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза марказида, Республика юристлар малакасини ошириш маркази ва бошқа адлия муассасаларида ҳам бўлиб ўтди.

Маълумки, Президентимиз томонидан иқтисодиётнинг барқарор ва мувозанатлаштирилган ўсишини таъминлаш, энг муҳим тармоқларни таркибий жиҳатдан ўзгартириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, шу жумладан, буни тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига амалга ошириш, иш ҳақлари ва аҳоли турмуши даражасини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шароит яратиш, хусусий мулкчиликни мустаҳкамлаш, банк-молия тизимида ва коммунал хўжаликда ислоҳотларни чуқурлаштириш иқтисодий ривожланишнинг 2007 йил учун устувор йўналишлари сифатида белгилаб берилди.

Президентимизнинг мазкур маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ва асосий устувор йўналишлар адлия идораларининг келгусидаги иш фаолияти учун дастуриламал бўлиб қолади.

А.РАХМОНОВ

2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» дея эълон қилиниши мамлакатимизда «инсон, унинг манфаатлари ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади» деган конституциявий қоида давлат сиёсати даражасида эканлигини яна бир карра исботлади.

Фаровон турмуш тарзи

уни яратишга кучли ижтимоий ҳимоя асос бўлади

Модомики, гап ижтимоий ҳимоя ҳақида борар экан, бу ўринда Президентимиз томонидан 2006 йил 7 сентябрда қабул қилинган **«2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»**ги қарорини алоҳида тилга олиш лозим. Чунки аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ҳам ана шу ёлғиз кекса пенсионер ва ногиронлардир.

Хўш, айни пайтда жойларда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Ушбу саволга биз Фарғона вилояти мисолида жавоб излашга ҳаракат қилдик.

— Бугун вилоятда пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони 347.086 нафарни ташкил этиб, шундан 317.232 нафари **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги қонунга асосан, 4876 нафари **«Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»**ги қонунга мувофиқ пенсия олувчи, қолган 24.978 нафари эса ижтимоий нафақа олувчи фуқаролардир. Ўтган йил якунига кўра улар учун 153 миллиард 539 миллион сўм маблағ молиялаштирилди, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Нодиржон Садриддинов. — Шунингдек юқоридаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокими ва бош бошқармамизнинг тегишли қарор ҳамда буйруқлари асосида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Дарҳақиқат, аслида қарорда жорий ва ундан кейинги йиллар назарда тутилганига қарамай, ўтган беш ой мобайнида бир мунча ижобий ишлар амалга оширилди. Масалан, Фарғона, Қўқон шаҳарлари ва Ўзбекистон туманидаги жами 900 ўринли ақли заиф, I, II гуруҳ ногирони бўлган болалар ва махсус эркак ҳамда аёллар мурувват уйлари, Фарғона шаҳридаги 260 ўринли қариялар учун мўлжалланган саховат уйидаги шарт-шароитлар тубдан яхшиланди. Қолаверса, 50 ўринли янги реаблитация маркази ташкил қилинди. Биргина декабрь ойининг ўзида реаблитация маркази ва Данғара туман ижтимоий таъминот бўлими қошида реаблитация техник воситаларини ижарага бериш шохобчалари ўз фаолиятини бошлаб, улар 22 дона ногиронлар аравачаси, 13 та эшитиш мосламаси ва бошқа жиҳозлар билан таъминланди.

— Тақдир экан, бир оёғимдан маҳрум бўлдим. Битта оёқда юришга анча қийналдим. Дилим хаста бўлган ана шундай кунларнинг бирида менга протез беришди. Ҳозир ҳар қалай аввалгига нисбатан анча бемалол ҳаракатланаяпман. Ҳукуматимизнинг бу ғамхўрлиги, эътиборини ҳеч қачон унутмайман, — дея ўз мамнунлигини изҳор қилади. Данғара туманининг Гумойли қишлоғида яшовчи II гуруҳ ногирони Феруза Бекмуродова.

Дарвоқе, якунланган йилда вилоятдаги Феруза опага ўхшаган ногирон фуқароларнинг 372 нафари ногиронлар аравачаси, 105 нафари эшитиш мосламаси, 223 нафари эса протез - ортопедия ускуналари билан таъминланди.

Бундан ташқари, уруш ва меҳнат фахрийларидан 3481 нафари меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Косонсой», «Олтиариқ», «Товоқсой», «Маржон суви» сихатгоҳлари ҳамда корхона, ташкилот ва муассасалар қошидаги профилакторийларда соғломлаштирилди. 4996 нафар ёлғиз, кекса пенсионер ва ногиронларга эса ҳомийлар томонидан 97.017.000 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Улардан 56 нафарининг уйларида 10.347.000 сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу ҳақда Ўзбекистон туманининг Ўқчи қишлоғида яшовчи 80 ёшли Турғуной момо Саидалиева шундай дейди:

— Ижтимоий таъминот бўлими ходимларининг ташаббуси билан уйимни таъмирлаб беришди. Тўғриси, буни сира кутмагандим. Чунки уйим анчадан буён таъмирталаб бўлса-да, ҳатто қариндош-уруғларим бирортаси ҳам бундай мурувват кўрсатмаганди. Ахир, уй саранжом-саришта бўлсагина, унга барака киради-да.

Турғуной момо вилоятдаги ҳимояга муҳтож кексалардан бири, холос. Бу тоифадаги кишилар вилоятда 1065 нафарни ташкил қилади. Ҳукумат қароридан кейин улар 47.890.000 сўм бюджет маблағи ва 8.344.166 сўм ҳомийлар кўмаги ҳисобидан 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди.

Умуман олганда, буларнинг барчаси Президентимиз қарорига мувофиқ амалга оширилажак ишларнинг бир дебочаси, холос. Меҳрга ташна қалбларни эъзозлаш, уларга хайру саховат кўрсатиш бобидаги ишлар ҳали олдинда. Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, **бу борада қабул қилинган Дастур ва режаларимизнинг бош мақсади-халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишдан иборат.**

Хуршид СУЛТОНОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Oramizdagi odamlar

Соҳибкор

«Маъмур» фермер хўжалиги фаолиятига бир назар

Юрган дарё, дейдилар. Яқинда йўлимиз «Оқ олтин» туманига тушиб, бу ерда амалга оширилаётган ишларни кўриб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Тумандаги Усмон Носир номли агрохизмат марказидан фермер Маъмур Жўновни сўроқладик. Мақсадимиз у билан фермерлик ҳаракати, бу соҳанинг истиқболлари ҳақида суҳбатлашиш эди. Биз уни излаб уйига бормоқчи бўлдик.

— Барибир фойдаси йўқ, уни фақат даладан топиш мумкин, — деди муддаомизни англаган ҳокимликнинг ижтимоий масалалар бўйича бош мутахассиси Раҳматилла Билолов. — Уйига кам боради. Даласининг бошида иморат тиклаб олган. Ҳали ўзингиз ҳам кўрасиз.

Маълум бўлишича, «Маъмур» фермер хўжалиги йилдан-йилга ривожланиб бораётган, тумандаги мингга яқин фермерлар орасида иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликлардан экан. 2005 йили 260 гектар майдоннинг 100 гектарига чигит, 90 гектарига ғалла уруғи қадаб, 340 тонна пахта, 380 тонна ғалла йиғиб олинибди. Ўша йили пахтачиликдан 105 миллион, ғаллачиликдан 22 миллион, чорвачиликдан 5 миллион сўм даромад қилинган. Жами 131 миллион сўм даромаднинг 29 миллион сўми соф фойда.

— Умуман, бу фермер ҳақида яхши гаплар кўп. Ўзи билан учрашсангиз, ҳаммасини билиб оласиз, — дейди Раҳматилла ака ва телефон орқали Усмон Носир агрохизмат маркази раҳбарлари билан сўзлашиб, юзига табассум ёйилди. — Айтмабмидим, далада деб, машинасини шийпонининг олдида кўришибди.

Билоловнинг гапидан руҳланиб, йўлга тушдик.

Дарҳақиқат, Маъмур акани даладан топдик. Фермер билан суҳбатимиз қизиди.

— Ишларимизни зўр десак, мақтанган бўламиз. Ҳар ҳолда эл қатори ишлаб юрибмиз. Деҳқончилик қилаяпмиз. Чорвамиздаги ишлар ҳам кўнгилдагидек кетаяпти. Келажакда наслчиликни йўлга қўймоқчимиз. Албатта, ҳар бир ишнинг вақт-соати бор. Шунинг учун наслчилик ишларини бошлашимиз керак, вақти келди. Ҳозир қилмасак, кейин кеч бўлади. Республикада бу борада аҳвол қандайлигини билмадим-у, аммо бизда бу соҳа бироз оқсаётгандек. Юртбошимиз мутасаддиларга наслчилик, умуман чорвачиликни ривожлантириш ҳақида кўрсатмалар бераяпти, қўлидан келган ёрдамини аямаяпти, лекин шахсан мен, негадир, жонланишни сезмаяпман. Балки фермaнинг ташвишларига ўралашиб қолиб, қилинаётган ишлардан бехабар қолгандирман.

Маъмур ака шундай дея жимиб қолди. Менинг савол назари билан қараб, тургинимни сезиб яна фикрини давом эттирди:

— Биласизми, назаримда, зотли қорамол турларини кўпайтиришга эътибор сустдек. Яқин беш йил ичида бирон-бир ёш мутахассисни учратмадим. Борлари ҳам шаҳарда қолиб кетишаяпти. Назарий билими борлар кўп, лекин амалиётда буни синаб кўришга ишқибозлар жуда кам. Республиканинг 65 фоиз аҳолиси қишлоқда яшайди. Шундай экан, тирикчиликнинг бир томони чорвачилик билан боғлиқ-да. Қишлоқда чорвасиз яшаш қийин. Яқин йиллар ичида бирон-бир фермерга ем-хашак учун экин майдони ажратиб берилганини эслай олмайман. Чорвага кераклі техника ва жиҳозларни ҳам туманга охирги марта қачон келтиришгани номаълум. Вазирлар Маҳкамасининг 308-сонли қароридан хабарингиз бор, албатта. Шу қарор туфайли хонадонларда мол туёғи тез кўпайди. Ёрдамга муҳтож оилаларга мол ҳадя этилгани ҳам чорвачиликни ривожлантиришга қўшилган ҳисса бўлди. Агар фермерларга оз-оздан беда экишга рухсат берилса айни муддао бўларди. Бунда биринчидан, ер дам олади, иккинчидан, чорвага мўл озуқа йиғилади, қолаверса, ер тўйинади. Негаки, ҳар бир гектар майдондаги беда бир йилда 400 килограммгача соф табиий азот йиғади. Азот эса ернинг энг тўйимли озуқасидир. Ахир, ерни ҳам боқишимиз керак-ку. Ерга солинган сунъий азотнинг қарийб 30 фоизи ҳавода бўғланиб кетади. Чунки сунъий азот кимёвий усулга, қаттиқ босим остида ишлаб чиқарилади. Иссиқда эса, хоҳлаймизми, йўқми, эрийди. Хуллас, чорванинг озуқаси мўл бўлмас экан, бу соҳани ривожлантириш қийин кечаверади.

Мен, тўғриси, суҳбатнинг бундай йўсинда бошланишини кутмагандим. Фермер эришган ютуқлар, уларнинг самараси ҳақида ёзмоқчи эдим. Аммо гурунг бошқача тус олди.

Маъмур Жўнов 1943 йилда Фориш туманида чорвадор оиласида туғилди. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг зоотехника факультетини 1970 йили аъло баҳолар билан битиргач, илмини амалиётга татбиқ этиш иштиёқи билан Пайариқ туманидаги хўжаликлардан бирида зоотехник бўлиб иш бошлади. 1972 йилнинг охиригача хўжаликда ишлади. 1972 йили эса тақдир тақозоси билан «Оқ олтин» туманидаги Собиржон Сиддиқов хўжалигига кўчиб келиб, 1982 йилгача хўжаликда бош зоотехник бўлиб фаолият олиб борди. Меҳнати орқасидан нафақат тумандаги, балки вилоятдаги донгдор чорвадорга айланди.

1995 йили М.Жўнов дастлаб 40 гектар ер билан «Маъмур» фермер хўжалигини ташкил этди. Буни эшитган баъзилар унга ачинишиб, рамақижон молларни, бир тутам хашаксиз чорвани эплаб бўларканми, дея хавотирланишди. Табиатан қайсар Маъмурда ҳам тоғликларга хос матонат, шижоат бор экан, қийинчиликлар олдида бўйин эгмади, Мақсад сари дадил илдамлайверди. Чекилган азоблар, қилинган меҳнат ўз самарасини бера бошлади. Чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик экинлари ҳам етиштирила бошланди. Натижа ёмон бўлмади. Қирқ гектар майдон аста-секин 260 гектарга айланди. Бугунги кунда у нафақат «Оқ олтин» туманида, балки Сирдарё вилоятида энг донгдор фермерлардан саналади.

— 2006 йилги натижаларимиз ҳам ёмон бўлмади, — дейди фермер. — Давлатнинг шартнома режаларини ортиғи билан бажардик. Қарийб 140 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, шунинг 40 миллион сўми соф фойдани ташкил этди. Фермамизда айни пайтда 200 бошга яқин қорамол, 100 бош қўй, 150 та йилқи боқилмоқда. Хўжалигимиздаги 35 нафар ишчининг бир йиллик даромади 2006 йилда 1 миллион 800 минг сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, уларнинг оилавий тадбирларига ҳам тегишли миқдорда маблағ ажратилмоқда.

Фермер билан гурунгимиз қизигандан қизиб, кун ботаёзганини сезмай қолибмиз. Гарчи шаҳарга қайтиш лозим бўлса-да, унинг содда, беғубор, самимий гапларини тинглаш мароқли эди. Юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган, элнинг корига яраётган бундай соҳибкорларга: «Ҳорманг, доимо ишингиз ўнгидан келаверсин!», деймиз.

Абуғаффор ОМОНБОЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Tahlil va taklif

Фарзандликка олиш

ундаги айрим масалалар хусусида

Етим-есир, қаровсиз қолган болаларга эътиборни янада кучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан», деган шиорни жамиятимиз ҳаётига чинакамига жорий этиш ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш масалаларига алоҳида бўлим ажратилган. Кодекснинг 20-боби фарзандликка олиш масалаларига бағишланган. 151-моддада фақат вояга етмаган болаларни фарзандликка олишга йўл қўйилиши, фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик ташкилоти тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилиши белгиланган. Мазкур Кодекснинг 237-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани чет эл фуқаролари фарзандликка олишда риоя этиладиган меъёрлар кўрсатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган **«Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисида»**ги Низомнинг 28-бандида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болаларни фарзандликка олиш Ўзбекистон Республикасида ўз дипломатик ваколатхонаси мавжуд бўлган давлатларнинг фуқаролари томонидан амалга оширилиши мумкинлиги баён этилган. Низомда белгиланишича, фарзандликка олувчи шахсларни (чет эл фуқароларини) рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга оширилади. Бунда фарзандликка олишнинг асосий шарти дипломатик ваколатхонанинг: фарзандликка бола олишни истовчи фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган вақти, турар жойи, моддий аҳволи ҳақидаги маълумотларни, тиббий хулоса, оиланинг ахлоқий-руҳий шарт-шароити, шунингдек, фарзандликка олувчининг тавсифномасини ўз ичига олган илтимосномаси ҳисобланади.

Чет эл фуқароларига фарзандликка берилаётган боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 171-сонли қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 69-бандида **«Ўзбекистон Республикаси фуқароси хорижий фуқаролар томонидан фарзандликка олинганда тегишли ҳужжатлар ФХДЁ органига васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан тақдим этилади»**, деб кўрсатилган. Бундан кўринадики, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка беришда асосий масъулият Халқ таълими вазирлигига юклатилган. Бироқ шунга қарамай, ФХДЁ органларига чет эл фуқароларининг ўзлари тўғридан-тўғри мурожаат этган ёки чет эл фуқароларига фарзандликка олишда кўмаклашувчи айрим ваколатхоналар вакиллари томонидан мурожаат этиш ҳоллари учрамоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг васийлик ва ҳомийлик органидан ташқари юридик ва жисмоний шахсларнинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ҳамда жойлаштиришга йўл қўйилмаслик тўғрисидаги 149-моддаси талабига зиддир. Юқоридаги ҳолатлар ушбу масалада аниқ механизм ишлаб чиқилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Айрим МДҲ давлатларидан чет эл фуқароларига фарзандликка берилган болаларнинг аянчли тақдири тўғрисида матбуотда берилаётган хабарлар кўпчиликка маълум. Шулардан хулоса чиқариб, чет эл фуқароларига фарзандликка бериш масаласида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши, мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олиб, **«Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисида»**ги Низомни қайта кўриб чиқиш, тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим. Чунончи, Оила кодексига «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон фуқароси бўлган болани фарзандликка олишда боланинг қариндошлари, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинишига имконият бўлмаган ҳолдагина йўл қўйилади», деган мазмундаги меъёр киритилса, шунингдек, ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, фарзандликка олиш масаласи суд тартибида ҳал этилиши белгилаб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Гулбаҳор БОБОЖОНОВА,
Адлия вазирлиги ходими

Muloqot

СЕРТИФИКАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИМИ?

— Қандай ҳолларда солиқ маслаҳатчисининг сертификати бекор қилинади?

Хусниддин СОЛЛИБОЕВ,
Андижон вилояти, Избоскан тумани

— **«Солиқ маслаҳати тўғрисида»**ги қонуннинг 18-моддасида малака сертификатини бекор қилиш асослари ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга мувофиқ;

ваколатли давлат органининг малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарорининг ноқонунийлиги аниқланганида;

малака сертификатининг сохта ҳужжатлар орқали олинганлиги факти аниқланганида уни бекор қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

Малака сертификати бекор қилинган шахс қарор қабул қилинган кундан бошлаб, уч йил мобайнида ваколатли давлат органига малака сертификати олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эмас.

Ваколатли давлат органининг малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

БОШҚА ШАХС ФОЙДАСИГА

— Ипотека тўғрисидаги шартнома ёки ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича шахс ўз ҳуқуқларидан бошқа шахс фойдасига воз кечиши мумкинми?

Камолиддин ДЕҲҚОНОВ,
Хоразм вилояти, Шовот тумани

— Ҳа, мумкин. **«Ипотека тўғрисида»**ги қонуннинг 33-моддасида бу ҳақда сўз юритилган бўлиб, ушбу моддага биноан ипотека билан таъминланган мажбурият асосида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ (талаб) шу кредиторнинг ўзи томонидан битим бўйича бошқа шахсга ўтказилиши (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) ёки қонун асосида бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

Агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага олувчи мазкур шартнома бўйича ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга қарздорнинг розилигини талаб қилмасдан ўтказишга ҳақли. Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича бошқа шахс фойдасига ўз ҳуқуқларидан воз кечилганда, ипотека билан таъминланган асосий мажбурият бўйича қарздордан талаб қилиш ҳуқуқи ҳам ўша шахсга ўтади.

Агар қарздор кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинмаган бўлса, янги кредитор шу туфайли келиб чиққан ноқулай оқибатлар мажбуриятнинг дастлабки кредиторга нисбатан бажарилиши тегишли кредиторга нисбатан бажарилиш деб эътироф этилади.

Агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, дастлабки кредиторнинг ҳуқуқи шу ҳуқуқ янги кредиторга ўтган пайтдаги мавжуд ҳажмда ва шартларда ўтади. Хусусан, мажбуриятлар, шунингдек, талаб билан боғлиқ бошқа ҳуқуқлар бўлган янги ҳуқуқлар кредиторларга ўтади.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТУГАТИЛАДИМИ?

— Фермер хўжалигини тугатишга қандай сабаблар асос бўлиши мумкин?

Муҳаммад СУЮНОВ,
Жиззах вилояти, Пахтакор тумани

— **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги қонуннинг 32-моддасига асосан фермер хўжалиги қуйидаги ҳолларда;

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганида;

фермер хўжалиги банкрот деб топилганда, шу жумладан, моддий-техник ресурсларини етказиб берувчилар, иш берувчилар ва хизмат кўрсатувчилар билан ҳисоб-китоб мунтазам равишда амалга оширилмаганида;

фермер хўжалигининг бошлиғи вафот этиб, хўжалик фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи меросхўр бўлмаса;

давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, шу жумладан, фермер хўжалиги ер участкасидан белгиланган мақсадда фойданилмаганда, хусусан, контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинларини экканида ер участкасини олиб қўйиш зарурати бўлган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинганда тугатилади.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Dakki

Тўсиқми ёки масъулиятсизлик?

Мамлакатимизда йил сайин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб бормоқда. Бу ўз ўрнида бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда етакчи ўрин тутмоқда. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг бир қатор Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши учун кенг имтиёз ва шарт-шароитлар яратилди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, бугунги кунда тадбиркорлик ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг аниқ механизмлари яратилди. Бироқ тадбиркорларнинг фаоллигини янада кучайтиришга нималар халақит бермоқда?

Очиқ айтиш керак, бунга Президент Фармонларини, ҳукумат қарорларини пухта билмаслик, бепарволик, бефарқлик тўсқинлик қилмоқда.

Яқинда Олот тумани ҳокимлигида тадбиркорлик субъектларига савдо фаолияти учун рухсат гувоҳномалари берилишининг қонунийлиги ҳокимлик ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ҳамда Акциядорлик тижорат «Пахтабанк» Қоровулбозор туман филиалида тадбиркорликка оид қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилишининг қонунийлиги ўрганилганда, таъбни хира қилувчи фактлар кўзга ташланди.

Масалан, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида муҳр ва тамға тайёрлашга бериладиган рухсатномалар 2006 йил 1 сентябрдан 1 октябргача бўлган даврда 12 киши номига расмийлаштириб берилган. Аммо, 2006 йил 1 сентябрдан кучга кирган Президентимизнинг **«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида»**ги Қарори билан тасдиқланган Низом талабларига зид тарзда бу ҳақда туман ички ишлар бўлимига хабар берилмаган. Уларнинг рўйхати алоҳида китобда қайд этилмаган.

Маълумки, банклар маблағларининг сақланиши ҳамда мижозлар олдидаги мажбуриятларнинг бажарилиши учун жавобгардирлар. Жумладан, тўловлар бир банкнинг бошқа банкка ўз вақтида ўтиши ҳамда маблағларнинг корхоналар ва ташкилотлар ҳисоб-китоб варақаларига киритиш банк ходимларининг муҳим вазифасидир.

Афсуски, Акциядорлик тижорат «Пахтабанк» Қоровулбозор филиали томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 15 апрель куни 1122-сон билан ва 2006 йил 8 февраль куни 1122-3-сон билан давлат рўйхатига олинган **«Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»**ги Низом талабларига риоя этмасдан тадбиркорлик субъектларининг банкларга тақдим этган тўлов топшириқномаларида сана, ой, йил кўрсатилмасдан қабул қилинган. Хусусан, «Шаҳнозабону» фермер хўжалигининг 118.000 сўм, «Ҳасанбобо» фермер хўжалигининг 173.000 сўм, «Салим Фармон» фермер хўжалигининг 150.000 сўм маблағлари «Когон Олтин тола» Акционерлик жамиятига кўчиришни сўраб тақдим этилган тўлов топшириқномаларида юқорида айтганимиздек, сана, ой, йил умуман кўрсатилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Ажабланарли томони шундаки, бундай палапартиш ҳужжатлар ижро учун қабул қилинган.

Якка тартибдаги тадбиркор Н.Жалолиддинов банк филиали раҳбариятига 2006 йил 25 апрель куни банкда ҳисоб рақами очишни сўраб, ариза билан мурожаат қилган. Банк ижрочиларининг бефарқлиги шу даражага бориб етганки, мижозга ҳисоб рақами 27 кун кечиктирилиб очиб берилган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 10 ноябрда 1080-сон билан давлат рўйхатига олинган **«Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бошқа ҳисоб рақамлари очиш тўғрисида»**ги Йўриқномага асосан ҳисоб рақами икки иш кунида очиб берилиши лозим эди.

«Жамшид Сайқали» фермер хўжалиги раҳбари Ж.Сайфиддинов 2006 йил 25 октябрь куни ғалла ҳосили етиштириш учун кредит ажратишни сўраб банкка мурожаат қилди. Бироқ фермернинг аризаси вақтида кўриб чиқилмаган. Ваҳоланки, мавжуд қонунчиликка асосан ушбу ариза 3 иш кунида кредит комиссиясида кўриб чиқилиши лозим эди.

Банк филиали томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар берилишида ҳам бошбошдоқликка йўл қўйилган. Қонун талабларига кўра, келиб тушган аризалар 5 иш кунида кўриб чиқилиши шарт. Аммо «Бўстон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи З.Боймуродова, «Бўзачи» ва «Тинчлик» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчилар Р.Бозорова ва С.Муродовалар ўз ариза-ларига 100-150 кундан сўнггина жавоб олишган.

Қонунни менсимаслик, иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини чуқур англамайдиган, тадбиркорлар ҳуқуқларини камситаётган мансабдорларга нисбатан адлия бошқармаси томонидан Марказий банк Бухоро вилоят бош бошқармасига киритилган тақдимномага асосан тегишли чоралар қўлланилди.

Халқимизнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик сифатларига эга бўлган кўп сонли вакилларининг имтиёз ва имкониятларидан фойдаланишлари учун тўла ҳуқуқий асослар яратилган. Шундай экан, иқтисодиётимизнинг таянчига айланаётган тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътибор янада кучайиши заруратга айланмоқда.

Мардон МАҲМУДОВ,
Бухоро вилоят Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи,
Валижон ЮСУПОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Qonun ijodkorligi

Ички ишлар идоралари

ислоҳотлар даврида

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчиллиги ва самарадорлиги тегишли муносабатларни тартибга солувчи, белгиловчи ва фаолиятни йўналтиришга хизмат қилувчи ҳуқуқий базанинг яратилиши билан узвий боғлиқдир.

Бу борада эса, бугунги икки палатали Парламент шароитида ҳаётимизнинг барча жабҳаларини, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солиш борасида муҳим қонунлар яратилаётганлиги барчамизга маълум.

Шу ўринда, Президентимизнинг **«Демократия бош йўлимиз»** номли маърузаларида, **«Ҳуқуқ органлари фаолиятининг қонуний негизини мустаҳкамлашимиз зарур. Албатта, уларнинг мураккаб ўтиш даврида қонун, ҳуқуқ-тартиботга бўйсунишни таъминлагани, МДҲ-даги айрим давлатларда юз берганидай, жиноятчиликнинг ҳаддан ташқари кучайиб кетишига йўл қўймаганини эътироф этиш керак. Шу билан биргаликда, биз ҳар ким ва ҳар бир нарса қонунга бўйсуниши лозим бўлган ҳуқуқий давлат қурмоқчимиз. Бизнинг жамиятда қонун бошқарувнинг асосий ва кўп қиррали воситасига айланиши зарур. Бундай шароитда ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари зиммасига катта масъулият юкланади. Уларнинг касб маҳорати ва ахлоқий сифатларига бўлган талаб кескин ошади. Шундан келиб чиққан ҳолда, суд, прокуратура, милиция тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириб бориш зарурати тобора кўзга ташланмоқда»**, деган фикрларини айтиш ўринли.

Бу борада, бугунги кунда яхши анъанага айланган давлат идоралари ходимлари байрам кунини қонун қабул қилиш орқали белгиланиши, ўз навбатида, уларга юксак ишонч ва масъулиятни юклайди. Бунга эса яқинда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»**ги қонунини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2006 йил 27 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси муҳокамасига киритилган. Қонун лойиҳаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик Палатаси томонидан 2006 йил 29 ноябрда қабул қилиниб, шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига маъқуллаш учун тақдим этилган. Қонун Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 1 декабрдаги саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланди ва 2006 йил 7 декабрдан кучга киритилди.

Ушбу қонуннинг 1-моддасига биноан, 25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни этиб белгиланди. Шу ўринда савол туғилади, нима учун айнан 25 октябрь мамлакатимизда ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами сифатида белгиланди?

Авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йилнинг айнан 25 октябрдаги қарори билан «Ўзбекистон ССР иттифоқ - республика Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига айлантирилганлиги» боис, ушбу сананинг бу соҳада хизмат кўрсатувчи ходимлар учун тарихий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Шунингдек, ушбу қарор билан ички ишлар идоралари фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб, мустақиллик йилларида мазкур ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора фаолиятини, хусусан таркибий тузилмаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, хизматни тўғри ташкил этиш каби йўналишларни янада такомиллаштириш мақсадида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йилнинг март ойидаги **«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»**ги Фармони ҳамда мазкур фармон ижросини таъминлашга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг олтита қарори қабул қилинганлиги ушбу соҳада қўйидаги туб ижобий ўзгаришларнинг амалга оширилишига олиб келди:

биринчидан, Вазирлар Маҳкамасининг **«Криминал, уюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш бўйича чоралар тўғрисида»**ги қарорига асосан, ИИВнинг марказий ҳамда туман ИИБларигача бўлган барча бўғинларидаги тезкор хизматларнинг ташкилий тузилиши кўриб чиқилди. Хусусан, Вазирлик Жиноят-қидирув Бош бошқармаси ва Коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш Бош бошқармаси негизида Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси ташкил этилди. Шунингдек, мазкур соҳанинг Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Наклиёт ИИБларида алоҳида бошқармалари; шаҳар, туман ИИБларда жиноят-қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлим (бўлинма)лари ташкил этилди. Мазкур ислоҳот натижасида эса, ушбу соҳа вазифаларининг такрорланишига, фаолият йўналишларига қатъий риоя қилиш таъминланди. Бундан ташқари, қарорда Ички ишлар идораларининг жиноятчиликка қарши курашишдаги вазифалари ҳамда тезкор хизматларнинг устувор вазифалари аниқ белгиланди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«Ички ишлар вазирлиги тергов бўлинмаларининг жиноятчиликка қарши курашдаги ролини кучайтириш тўғрисида»**ги қарорига биноан, ИИВ Тергов бошқармаси негизида Тергов бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Наклиёт ИИБларда тергов бўлимлари бошқармаларга айлантирилди. Шунингдек, худудий ички ишлар идоралари тергов бошқармалари бошлиқларига ИИБ бошлиғининг ўринбосари мақоми берилди. Ушбу мантиқий ўзгариш ички ишлар идораларининг қуйи бўғинларида ҳам амалга оширилди. Шунингдек, мазкур қарор билан тергов идоралари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи ҳужжат – **«Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов Бош бошқармаси ҳақида»**ги Низом тасдиқланди.

Учинчидан, **«Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, Вазирлик таркибидаги Давлат автомобиль назорати тузилмалари негизида Вазирлик Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Наклиёт ИИБлар тизимида бошқармалар ташкил этилди. Шунингдек, мазкур хизмат соҳасининг асосий вазифалари белгиланди ҳамда тегишли Низом тасдиқланди. Бундан ташқари, ходимлар сони қисқартирилиб, профилактик хизматни мустаҳкамлашга эътибор берилди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«Ўзбекистон Республикасида жамоат тартибини сақлаш ва Патруль-пост хизмати фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»**ги қарори билан муайян ходимлар сонига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси ИИВ Патруль-пост хизмати ва Жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси ҳамда тегишли ҳудудий ИИБларда бошқарма ва бўлимлар ташкил этилди. Албатта, ушбу қарор билан мамлакатда жамоат тартибини сақлаш, ўз вақтида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги профилактика хизматларининг жиноятчиликка қарши курашдаги ролини кучайтириш чоралари тўғрисида»**ги қарорига мувофиқ, ички ишлар идоралари профилактика хизматларининг жиноятчиликка қарши кураш тизимида марказий ўринни эгаллаши, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда умумий ва махсус ёндашувни ташкил этиш, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян ишларни амалга ошириш каби вазифалар белгиланди. Бундан ташқари, ушбу қарор билан ИИВ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси ва унга мутаносиб равишда тегишли ҳудудий ички ишлар идораларида бошқарма ва бўлимлар ташкил этилди. Энг асосийси, ҳудудий ички ишлар идораларида вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам марказлари ҳамда милиция таянч пунктлари фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек, мазкур қарор билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида ёшлар ўртасида тарбиявий ва оммавий-спорт ишларини ташкил этиш, уларни кичик бизнесга қизиқтириш каби вазифалар юклатилган педагог-тарбиячи лавозими жорий этилди.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармаси ҳамда тегишли ҳудудий ички ишлар идораларида бошқарма ва бўлимларнинг қайта ташкил этилиши аҳолининг фавқулодда ёнғин хавфидан сақланиши ёки содир бўлган ёнғинни бартараф этиш ишларини оқилона ташкил этилишини таъминлашга хизмат қилди.

Албатта, мазкур ислоҳотлар ички ишлар идораларининг жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш фаолиятини янада такомиллаштиришга, мазкур соҳа ходимларининг аҳоли ичига кириб бориши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқларини нафақат ҳимоя қилишга, балки уларнинг амалга оширилишини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишларига олиб келди.

Шу билан бирга, бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни амалга оширувчи соҳа ходимларини малакали қилиб тайёрлаш, хусусан Ватанга ва ўз бурчига садоқатли, иқтидорли ва замон талабига жавоб берадиган етук кадрлар билан таъминлаш бошқа давлат идоралари каби, Ички ишлар вазирлиги олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мазкур вазифани бугунги кунда мустақиллик йилларида ҳуқуқий мақоми ўзгартирилган ИИВ тизимидаги олий ўқув юртлари (ИИВ Академияси, Тошкент Олий ҳарбий техника билим юрти, Тошкент Ёнғин хавфсизлиги Олий мактаби) муносиб бажариб келмоқдалар. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йилнинг июль ойидаги **«Ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида»**ги Фармони билан ИИВ Академияси қошида Сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курслари ташкил этилди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур Фармон билан офицерлар, сержантлар ва оддий сафдор ходимлар ўртасида хизмат вазифаларининг тақсимланиши қайта кўриб чиқилди. Ва энг асосийси, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида хизмат қилишга давлат хизматининг муҳим тури сифатида қаралиши ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатда назарда тутилди.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчилик фаолиятимизнинг принципиал асослардан бири – Ўзбекистон Конституцияси муқаддимасида белгиланган **«Ўзбекистон халқи: республика фуқароларини муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, фуқароларнинг тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида мазкур Конституцияни қабул қилади...»** деган конституциявий қоидани амалга ошириш ва унинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда таъминлашда ички ишлар идораларининг ўрни муҳим ва салмоқлидир. Албатта, ушбу тизимдаги барча ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда ва унда юқорида таъкидлаб ўтилган қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, бугунги жамият ва давлат тараққиёти ички ишлар идоралари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, аниқроғи **«Ички ишлар органлари идоралари тўғрисида»**ги қонунни қабул қилиш зарурати юзага келганлигини кўрсатмоқда. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ VI сессиясида **«Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари»** номли маърузаларида **«...ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари тўғрисидаги қонунларни – судлар, прокуратура, милиция тўғрисидаги қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқларининг устуворлиги нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш керак»**лигини эслаш мақсадга мувофиқдир.

Ўйлаймизки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, Ички ишлар идоралари ходимлари жамият ва давлатнинг бундай эътибор ва ғамхўрлигини, ўз фаолиятини халқ ташвиши билан ҳамнафас ташкил этишда, зиммаларига юклатилган хизмат вазифаларини виждонан бажариш, ташаббус ва масъулиятни тўла ҳис этиш билан жавоб берадилар.

Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Jamiyatimiz maqsadi

Ярашув институти

у бизга нима берди?

Халқимиз азалдан бағрикенглик, меҳр-шафқатлилик ва кечиримлилик фазилатларини юксак қадрлаб келган. Муқаддас динимизда ҳам кишиларнинг бир-бири билан уч кундан ортиқ аразлашиб юриши ножоиз саналади. Тўғри, ҳаётда қўни-қўшни, ака-ука, дўст-биродар, ҳатто баъзида ота-она ва фарзанд ўртасида ҳам тушунмовчилик, келишмовчилик ва низолар келиб чиқиши мумкин. Лекин элимизда ҳамиша бундай низо ва келишмовчиликлар босиқлик билан, ўзаро муроса орқали ҳал қилинган ва ҳамиша ёвлашган тарафлар муросага келтирилган. Бу ҳақда тарихдан истаганча мисол келтириш мумкин.

Жумладан, давлатчилигимиз тарихига доир битикларда қозилар кўпроқ фуқароларни жазолаш эмас, аксинча, уларни тўғри йўлга солиш, ўзаро келиштириб ўртадаги гина-кудуратни бартараф этишга ҳаракат қилишгани ҳақида ёзилган. Афсуски, мустамлака даврида, ундан кейинги тўнтаришлар ва ниҳоят, 70 йилдан ортиқ давом этган собиқ шўролар даврида бу каби инсонпарвар йўл-йўриқлар унутилди, тазйиққа учради.

Дарвоқе, собиқ шўролар тузуми даврида фуқаролар судларга фақат жазоловчи идора сифатида қарашга кўникиб қолишганди. Шунинг учун кимнингдир иши судга тушса, у жиноятчи саналар, бундай кишига нисбатан, албатта бирор-бир жазо чораси қўлланилар эди. Шунинг учун ҳам аҳоли судларга қўрқув кўзи билан қararди.

Аслида эса ривожланган давлатларда судлар фуқароларнинг конституцион ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи орган ҳисобланади. Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгач, бошқа соҳаларда бўлгани каби, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам туб ислоҳотлар ўтказилдики, улар бугун ўз самарасини бераётир.

Албатта, бу соҳада аввало, судларнинг ихтисослашуви асосий ўрин тутади. Чунки мустақилликка барча турдаги — жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишларини биргина суд кўриб чиқиб ҳал қиларди. Маълумки, бундай ҳолатда ҳар қандай судья хатога йўл қўйиши мумкин. Соҳада ўтказилган ислоҳотлар натижасида жиноят ишлари, фуқаролик ишлари ва хўжалик ишлари бўйича алоҳида-алоҳида судлар ташкил этилди. Бу ўзгариш қисқа муддатда ўзининг ижобий натижасини бериб, фуқароларимизда судларга бўлган ишончнинг ортишига сабаб бўлди.

(Давоми тўртинчи бетда)

XXI АСР НАФАСИ

воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

ПОКИСТОН: 13 НАФАР КИШИ ҚУРБОН БЎЛДИ

Россиянинг "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлигининг тарқатган маълумотларига қараганда, ўтган шанба куни Покистоннинг Белужистон вилоятида жойлашган Кветта шаҳри суди биносида террорчилик ҳаракати содир этилди. Қурбон бўлганлар орасида мамлакатнинг фуқаролик ишлари бўйича катта судьяси Воҳид Дурра ҳамда бир қанча адвокатлар ва полиция вакиллари ҳам бўлган. 24 киши эса турли даражада тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилган.

Маҳаллий полиция вакилларининг тахминларига кўра, бу террорчилик ҳаракати террорчи-камикадзе томонидан амалга оширилган бўлиши ҳам мумкин. Шаҳар полиция идораси бошлиғи Рахо Каннинг фикрича, «бу ишлар ортида афғон фуқаролари ҳам бўлиши мумкин, бироқ ҳозирча бу маълумот тасдиқланмаган» -дея таъкидлайди Рахо Канн.

"АЛ ҚОИДА" ЕТАКЧИСИ ЯРАЛАНДИ

"ИТАР-ТАСС" ахборот агаентлиги берган маълумотларига кўра, Ироқ Ички ишлар вазирлиги томонидан тарқатилган ахборотда 16 февраль куни Ироқнинг Балад аҳоли яшаш пунктида жангарилар билан бўлиб ўтган отишмалар чоғида "Ал Қоида"нинг Ироқдаги етакчиси Абу Аюб ал-Масри оғир жароҳат олган.

Лекин ушбу ахборотни расмий Вашингтон рад этди. АҚШ ҳарбий қўмондонлигининг Ироқдаги вакили Кристофер Гарвернинг сўзларига қараганда, ал-Масри бу тўқнашувда умуман иштирок этмаган.

Пентагон берган маълумотларга қараганда ал-Масри 7 нафар ўта хавфли террорчининг бири ҳисобланади. Уни қўлга олган ёки у ҳақда маълумот берганларга АҚШ давлат департаменти 5 миллион доллар ваъда қилган.

ОЗАРБОЙЖОН: ПАРРАНДА ГРИППИ ХАВФ СОЛМОҚДА

Озарбайжон ҳукумати 15 февралдан бошлаб мамлакат ҳудудига четдан парранда маҳсулотлари олиб келишни вақтинчалик тўхтатди. Аниқроғи, Россиянинг Краснодар вилояти, Англия ва Туркиянинг айрим ҳудудларида «Н5» вируси қайд этилганлиги боис, ушбу мамлакатлардан паррандачилик маҳсулотларини келтириш умуман тақиқланди.

Сўнгги маълумотларга қараганда, Озарбойжонда 5 нафар киши «Н5» вируси билан зарарланиб, вафот этган

МАРСДА ҲАЁТ ИЗЛАРИ

Марс сайёрасидан космик ускуналар орқали олинган янги суратлар одамлар орасида анча шов-шувга сабаб бўлмоқда. Ушбу тасвирларда сайёранинг устки қурасида узунлиги 4 минг км, эни эса ярим метр бўлган ирмоқлар тасвирланган.

Олимларнинг фикрига қараганда, шунга ўхшаш ёриқлар ортида ҳам мавжуд бўлиб, юз миллион йиллар аввал бу ирмоқларда сув оққан. Буни исботлаш учун тадқиқотчилар бир неча далилларни келтирадилар. Сайёранинг устки қисмидаги қора ёриқлар нурли ёрилишларга уланади. Устки қатламдаги ёриқларнинг узунлиги 10 метрга етади. Олимларнинг ишонтириб айтишларига қараганда, худди шундай ёриқлар сайёранинг остида ҳам мавжуд бўлиб, остки сувлар кислота суюқлиги билан оксидланиши натижасида ана шу ҳолат юзага келган ҳамда остки сувлар ташқарига отилиб чиққан.



Худди шундай тадқиқот 2005 йил Европанинг "Mars Express" космик кемасида ҳам амалга оширилган бўлиб, унда Марс сайёрасининг устки қатламида ҳаёт учун зарур бўлган моддалар- сульфат кальций ҳамда кичик-кичик қўллар аниқланган.

Интернет материаллари асосида
Раҳмат НЕЪМАТ тайёрлади

Маълумки, мустақиллик мамлакатимизни янги тараққиёт босқичига олиб чиқди. Биз барқарор иқтисодиётга асосланган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга интилмоқдамиз. 2006 йилнинг 16 октябрида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сонли қарорнинг қабул қилиниши ҳам бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди, десак хато бўлмайди.

Istiqlol va imkoniyat

Иқтисодиётимиз таянчи

Мазкур қарор Президентимизнинг **«Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»**ги ҳамда **«Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорларига мувофиқ, шунингдек, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган бўлиб, **«Давлат корхоналари тўғрисида»**ги Низом, **«Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида»**ги Низом, **«Акциялар (улушлар) давлат пакетларини ишончли бошқарувга бериш тартиби тўғрисида»**ги Низомни ўз ичига олган.

Таъкидлаш жоизки, давлат корхонаси тушунчасига биринчи бўлиб ушбу Низомда ҳуқуқий таъриф берилди.

Давлат корхонаси — давлат мулкидаги, ўзига тезкорлик билан бошқариш учун берилган мулк негизида ташкил этилган давлат унитар корхонаси шаклидаги тижорат ташкилотидир, у ўзига бириктирилган мулкдан қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдорнинг (ёки унинг топшириғига кўра у ваколат берган давлат органи — муассиснинг) топшириқларига ҳамда эгалик қилиш ҳуқуқидаги мулкнинг мақсадига мувофиқ мулкдан фойдаланишни ва уни тасарруф этишни амалга оширади. Давлат корхонасининг муассиси — давлат бошқарув органи, ушбу органлар мақомини белгилайдиган ҳужжатларга мувофиқ белгиланган уларнинг ваколати доирасида давлат корхонасини таъсис этишга вакил қилинган маҳаллий давлат ҳокимияти органларидир.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, давлат корхонасини таъсис этиш учун қандай ҳуқуқий асослар бўлиши керак? Бу саволга жавобан айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкасининг, давлат бошқаруви органининг қарорлари давлат корхонасини таъсис этиш учун асос бўлади.

Кези келганда шуни қайд этиш керакки, муассис томонидан тасдиқланган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли давлат органларида рўйхатга олинган низом давлат корхонасининг таъсис ҳужжати ҳисобланади.

Ҳар бир давлат корхонаси ўз низомига эга бўлиши ва унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак: фирма номи; жойлашган жойи (почта манзили); фаолиятининг предмети ва мақсади; давлат корхонаси фаолиятини бошқариш тартиби; устав фондининг миқдори; уни шакллантириш тартиби ва манбалари; устав фондини кўпайтириш ва камайтириш тартиби; мулкни тасарруф этиш шартлари; даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби; заҳира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби; раҳбарнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги; йиллик ҳисоботларни тузиш; текшириш ва тасдиқлаш тартиби; давлат корхонасини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

Давлат корхонаси мулки бўлинмас мулк ҳисобланади ва қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан, давлат корхонаси ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

Давлат корхонаси мулкини тасарруф этиш қуйидаги ҳолларда давлат корхонасининг ижро этувчи органи томонидан Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда амалга оширади: Асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш; мулкни хўжалик жамияти низом фондига улуш сифатида қўшиш; хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш; хўжалик жамиятларидаги давлат корхонасига тегишли акциялар (улушлар)ни сотиш; мулкни давлат корхонаси фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

Давлат корхонаси муассис билан келишув бўйича, қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин. Филиал ёки ваколатхона ташкил этилгандан кейин бир ҳафта муддатда давлат корхонаси бу тўғрида Давлат мулки қўмитасини ёки унинг ҳудудий бошқармасини бундан хабардор қилиш шарт.

Давлат корхонасининг филиаллари ва ваколатхоналари уларни ташкил этган давлат корхонаси номидан, давлат корхонаси томонидан тасдиқланган низомлар асосида фаолият кўрсатади ва уни ташкил этган давлат корхонаси мулкига эга бўлади. Давлат корхонаси фаолиятини бундай изчил йўлга қўйиш давлат мулкини назорат қилишни енгиллаштирибгина қолмасдан, унинг ноқонуний йўллар билан ўзлаштирилиши ва талон-торож қилинишининг олдини олади.

Шунингдек, мазкур 215-сонли қарорга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг **«Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорига қатор ўзгартиришлар киритилди. Шуни ҳам айтиш керакки, 215-сонли қарор ва **«Давлат корхоналари тўғрисида»**ги Низомнинг қабул қилиниши давлат корхоналари фаолиятини янада яхшилаш ва такомиллаштириш борасида муҳим ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилаётир. Чунончи, мазкур Низомда Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат корхонасининг ҳуқуқий мақоми, давлат корхонаси, унинг филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти хусусиятлари, муассиснинг, ижро этувчи органнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари давлат корхонаси билан унинг муассиси ўртасидаги мулкий муносабатлар аниқ белгилаб берилган.

Ушбу Низом жорий этилганига унчалик кўп вақт бўлмаган бўлса-да, қисқа фурсатда талайгина ишлар амалга оширилди. Мана, бир мисол: биргина Чилонзор туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан «ДМҚ-Покиза», «ДМҚ-Ободончи» сингари корхоналар рўйхатга олинди. Эндиликда мазкур корхоналар **«Давлат корхоналари тўғрисида»**ги Низом асосида изчил фаолият кўрсатмоқда. Бу эса мамлакатимиз иқтисодини янада юксалтириш ва барқарорлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Давлат корхоналари бошқа хусусий мулк асосида ташкил этилган корхоналар билан тенг ҳуқуқий мақомда фуқаролик муносабатларида иштирок этиш ҳамда улар бошқарувининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Умид РАСУЛОВ,
Адлия вазирлиги ходими

Шаҳарни ўша тун ғафлат босди. Лоқайдлик одамларнинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйди. Агар бепарволик, эътиборсизлик гирдоби қўни-қўшниларни ўз домига тортмаганида, нажот тилаган икки бегуноҳ инсон — она ва бола бир тунда, бир қотил дастидан ваҳшийларча ўлдирилмаган бўларди.

Jinoyat va jazo

Ваҳшийлик қурбонлари

Суд очерки

Инсонийлик қиёфасини бутунлай йўқотган, ичкилик ва тубанлик боткоғига ботган бу йигит 1987 йилда Навоий шаҳрида туғилган Август Зигурис. У ҳеч қаерда ишламайди. Ўша куни у одатдагидек, маст ҳолда кўчада кетаётиб, Халқлар Дўстлиги кўчаси 52-уйда жойлашган «Камола-Севинч» фирма савдо дўконининг деразасини синдириб, ичкарига киради. У ердан ҳамтовоғи Б.Куангалиев билан арақ, вино ва қуруқ чой ҳамда қўлига илинган пулларни олиб, Ф.Хўжаев кўчаси, 7-уй, 13-хонадонда яшовчи ноқонуний турмуш ўртоғи В.Сапелованинг уйига боради. Бирбирларига ёшлари умуман тўғри келмайдиган, бироқ (аёл йигитдан бир неча ёш катта) турмуш тарзи, бир-бирига мос келадиган «ошиқлар» ўғирланган спиртли ичимликларни ичиб, жанжаллашиб қолади ва А.Зигурис соат тунги иккида галереядан чиқиб кетаётганда, 15-хонадонда яшовчи Феруза Қўшоқова «Ичиб олиб, нега одамларнинг тинчини бузаяпсан?» дея унга танбеҳ беради. Бу Августга ёқмайди ва Ферузанинг уйига бостириб киради. Ҳимоясиз аёлни уриб, унга оғир тан жароҳати етказади, Феруза ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлиб, кўзи қонга тўлган рақибига қаршилик кўрсатмоқчи бўлади. Онасининг чинқириғини эшитиб, бошқа хонада ухлаб ётган етти ёшли қизалоқ Умида қўрқувдан титраб, онаси томон югуради. Шу пайт шафқат нималигини билмайдиган қонхўр ошхона пичоғини олиб, қизчанинг бўйнига чанг солади. Умида қонга беланиб, полга йиқилади. Бахтсизлик ва даҳшатли фожиа қурбонига айланган қизалоқнинг умри туғилган қунида хазон бўлди. Ароқхўрнинг жазаваси ҳали давом этарди. Дуч келган нарса билан Ферузанинг юзи, бошига ургани етмагандек, унинг ҳам бўйнига пичоқ тортиб, қўлини яна қонга ботиради. Уриш оқибатида танасининг бир неча жойлари синган, қон томирлари кесилган Феруза ҳам қийноқларга бардош беролмай оламдан кўз юмади. Икки бегуноҳ инсоннинг фарёдлари, қонга беланган жасадлари қотилни заррача ташвишга солмади. У гўёки ҳеч нарса бўлмагандек, В.Сапелованинг уйига кириб, қон юқи бўлган кўлларини ювиб, қолган арақни ичади. Қилган ишидан пушаймон бўлиш, икки бегуноҳ инсоннинг уволига қолганлигини ўйлаш ўрнига, янги жиноят ҳақида бош қотиради. Ва ўйлаган режасини амалга ошириш учун марҳуманинг уйига қайтиб боради. Уйда турган иккита сандиқни ўғирлаб, йўлга тушади.

Унинг йўлини ички ишлар идоралари ходимлари «яқинлаштирмаган»да, ким билади, у балки яна қанча одамларга озор етказарди.

— Ўша кечаси тунги навбатчиликда эдик, — дейди Навоий шаҳар ички ишлар ходими А.Бобоқулов. – Ҳамкасбим Б.Холмуродов билан кўчаларни айланиб, «Тико» русумли машинада Ф.Хўжаев кўчасидан ўтаётганимизда шубҳали йигитга дуч келдик. У машинани тўхтатиб, ёнида турган сандиқни олиб бориб бергани учун 4 минг сўм ҳақ тўлашга келишиб олди. Уни саволга тутдик, гап орасида у яна битта сандиқ борлигини баён қилди. Биз иккинчи сандиқни ҳам олиб чиқишини сўрадик. Август иккинчи сандиқни олиб чиққандан сўнг уни тўғри ички ишлар бўлимига олиб бордик. 7 февраль куни эрталаб эса ички ишлар бўлимига Ф.Хўжаев кўчасида қотиллик содир этилганлиги ва шу билан бирга квартирадан 2 та сандиқ ўғирланганлиги тўғрисида хабар келди. Бу ўша биз тунда қўлга олган сандиқ ўғриси — А.Зигурис эди. У содир этган ўғирлик ва қотиллиги ҳақида ўз ихтиёри билан кўрсатма берди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jamiyatimiz maqsadi

Ярашув институти

У бизга нима берди?

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Шунингдек, кейинги йилларда мамлакатимизда юзага келган ярашув институтини ҳам фуқароларимиз жуда катта қувонч билан қабул қилишди. Чунки яқин ўтмишда, дейлик, қўшнилар ўртасидаги оддий жанжал, ўзаро тортишув оқибатида келиб чиққан оддий низолар ҳам охир-оқибат кимнингдир қамоқ жазосига тортилиши билан якун топарди. Бу эса, кўп ҳолларда қўни-қўшни, қариндош-уруғ ёки қуда-андаларнинг юз кўрмас бўлиб кетишига сабаб бўларди. Ярашув институти ана шундай салбий ҳолатларга чек қўйгани билан ҳам халқимиз томонидан маъқулланди.

Мана бир мисол. Навоий вилояти Хатирчи туманида яшовчи икки қўшни И.Деҳқонова ва М.Раҳматуллаева ўзаро жанжаллашиб қолишди. И.Деҳқонова М.Раҳматуллаеванинг бошига тош билан уриб, унга енгил тан жароҳати етказди. Табийки, М.Раҳматуллаева ҳуқуқ-тартибот идораларига арз қилди...

Жавобгар ва даъвогарнинг ўз хоҳишлари билан, бирор-бир томоннинг тазйиқисиз ярашгани, жавобгар жабрланувчи тарафнинг даъволаниши учун етарли миқдорда маблағ ажратгани ва даъвогарнинг ўз даъвосидан ихтиёрий равишда воз кечганини ҳисобга олиб, жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман суди, ярашув институти талабларидан келиб чиққан ҳолда ушбу жиноят ишини тугатди. Агар ярашув институти ўрнига эски тартиб-қоидалар қўлланилганда эди, жавобгарга қамоқ жазоси қўлланилган ва бунинг оқибатида икки қўшни бир умрга ўзаро душманга айланиши тайин эди.

Одатда, ҳеч ким ўз хоҳишига кўра автоҳалокат содир этмайди. Тўғри, кўп ҳолларда автоҳалокатларга ҳайдовчиларнинг спиртли ичимлик ичган ҳолда рулга ўтириши ёки йўл қоидаларига риоя этмасликлари сабаб бўлади. Шу боис, аксарият ҳолларда йўл-транспорт ҳодисасида пиёдалар эмас, аксинча, ҳайдовчилар айбдор бўлиб қоладилар. Бундай қоидабузарликлар, одатда, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноят ҳисобланади. Лекин собиқ шўролар даврида масаланинг бу жиҳати эътиборга олинмас, яъни кўп ҳолларда эҳтиётсизлик оқибатида йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлишига сабаб бўлган ҳайдовчига нисбатан, албатта, қамоқ жазоси қўлланиларди.

Избоскан туманининг Яккатут қишлоғи, Тўраобод маҳалласида яшовчи фуқаро И.Акбаров 2006 йил 8 февраль куни кеч соат 20.30 ларда йўл ҳаракати қоидасини бузиб, фуқаро Д.Худойбердиевни уриб юборган. Автоҳалокат натижасида пиёда Д.Худойбердиев ўртача оғир тан жароҳати олган. Ҳайдовчи ўз вақтида жабрланувчига ёрдам кўрсатиб, уни шифохонага олиб бориб, керакли дори-дармонларни олиб берган ва ихтиёрий равишда ўзи содир этган қоидабузарлик ҳақида ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар қилган.

И.Акбаровга нисбатан Жиноят Кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган эди. Жиноят ишлари бўйича Избоскан туман суди ишни кўриш жараёнида томонларнинг ярашгани, И.Акбаров Д.Худойбердиевга етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплагани ҳамда жабрланувчи ўз хоҳиши билан, ўзгаларнинг тазйиқисиз ярашишга келишганини инобатга олиб, жиноят ишини тугатди.

Хуллас, ярашув институти қўлланилиши туфайли қамалганлик ва судланганлик каби тамғадан қутулган ўнлаб юртдошларимизни мисол келтиришимиз мумкин. Энг асосийси, ярашув институти қўлланилиб, суд залининг ўзидан озод этилиб, оиласи бағрига ва ўз ишига қайтган фуқароларнинг нафақат ўзлари, балки оила аъзолари, қариндош-уруғлари ҳам инсонпарвар қонунлар ижодкорларига, билиб-билмай жиноят содир этаётган фуқароларга нисбатан мисли кўрилмаган бағрикенглик кўрсатаётган давлатимиз раҳбариятига қайта-қайта миннатдорчилик билдирадилар.

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Олий судида Олий суд раёсатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда бошқа кўпгина масалалар қатори жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан яна бири – ярашув институтлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Маълум бўлишича, амалдаги қонунчилигимизда ярашув институтлари қўлланила бошлагандан буён 54 минг нафардан ошиқ фуқаролар жиноий жавобгарликдан озод этилиб, «судланганлик» тамғасидан халос бўлган. Биргина 2006 йилда 12605 нафар шахсга нисбатан қўзғатилган 11503 та жиноят иши тугатилиб, даъвогар ва жавобгарларнинг ўзаро келишганликлари муносабати билан уларга ярашув институтлари қўлланилган. Бу рақамлар ҳам суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг салмоғини кўрсатиб турибди.

Таъкидлаш лозимки, биз бугун нафақат қонунларни тўғри қўллаш, балки тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар, Президент Фармонлари ва қарорлари, шунингдек, амалдаги қонунчилигимиздаги янги ўзгаришлар фуқароларимизнинг онгига етиб бориши учун ҳам бел боғлаб хизмат қилишимиз лозим. Бир сўз билан айтганда, модомики, ҳуқуқий демократик давлат қураётган эканмиз, шубҳасиз, судлар, умуман олганда, ҳуқуқ-тартибот идоралари доимий равишда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ошиб боришига ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Ислом ҲАМРО,
«Инсон ва қонун» мухбири

...Ярим тунда бадмаст бўлиб қайтган Эшмўмин эрталабгача оила аъзоларига уйқу бермади. Тинимсиз қайд қилиш ҳамда қон босимининг кескин кўтарилиб кетиши натижасида унинг аҳволи ёмонлашди. Уйдагилар зудлик билан тез ёрдам чақиришди. Шифокорлар беморни кўргач, уни тезда туман марказий касалхонасига олиб келишди. Бироқ шифокорларнинг қилган саъй-ҳаракатларига қарамай, қўлбола ароқ истеъмол қилиб заҳарланган Эшмўминга ёрдам беришнинг иложи бўлмади. Эндигина 45 ёшга кирган Эшмўминнинг ортида тўрт боласи, турмуш ўртоғи дод солиб қолиб кетди...

Soliq tizimi

Нафс гирдоби

Сир эмас, бугун жойларда қўлбола ароқ истеъмол қилиб кўп одамлар турли хил оғир касалликларга дучор бўлмоқда. Энг ачинарлиси, айримлар бу оғу касрига қолиб, бевақт оламдан кўз юммоқда.

Хўш, ҳаётда содир бўлаётган бундай хунук ва мудҳиш воқеалар наҳотки, қўлбола ароқ тайёрлаётган нафс бандаларининг виждонини қийнамайди? Наҳотки, пул топаман, деб бировнинг умрига зомин бўлаётганини ўйлашмайди улар?! Масаланинг иккинчи томони ҳам кишини ўйга толдиради. Кўпчилик ҳолларда фуқароларнинг ўзлари била туриб, қўлбола маҳсулотни харид қилишади. Чунки у ҳақиқийсига қараганда бир-икки сўм арзонроқ бўлади. Лекин ўша бир-икки сўмни деб ҳаётларини хавф остига қўйишаётганликларини билишмайди. Ва айнан мана шу қусур қўлбола ароқ тайёрловчиларга қўл келмоқда. Қўлбола ароқ тайёрлайдиганларнинг бозорини бароридан келтиришда жойларда очилган хусусий дўконлар, ҳаттоки, нафси ҳакалак отган давлат тасарруфидаги катта-катта дўкон эгалари ҳам ўз «ҳисса»сини қўшмоқда. Улар белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилмай, бундай сифатсиз маҳсулотлар билан савдо қилишдан ор қилмаяпти.

Яқинда инспекциямиз ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг 24, 483, 154-сонли қарорлари ижроси юзасидан бир қатор текширишлар ўтказдилар. Текшириш жараёнида айрим савдо шохобчаларида истеъмол қилишга яроқсиз қўлбола ароқлар сотилаётганлиги аниқланди. Хусусан, Султонобод Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган озиқ-овқат дўкони сотувчиси Йўлдош Убодовнинг тегишли ҳужжатларсиз, ноқонуний равишда тайёрланган алкоголь маҳсулотлари сотаётганлиги аниқланди. Ушбу савдо дўкони омборхонаси текшириб кўрилганда 72.450 сўмлик ана шундай маҳсулот борлиги аниқланди. Инспекция ходимлари томонидан сотувчи Йўлдош Убодовнинг ноқонуний хатти-ҳаракати энди туман прокуратурасида кўриладиган бўлди. Шунингдек, Қарнабота ширкат хўжалигида жойлашган озиқ-овқат дўкони сотувчиси Рўзима Чўлиеванинг ҳам қўлбола ароқ сотаётганлиги аниқланди. Унинг савдо дўконидан катта миқдордаги алкоголь ичимликлари мусодара қилинди. Бундан ташқари, Зиёвуддин Исмоилов ҳам ўз дўконида ҳеч бир ҳужжатсиз, сифат сертификати бўлмаган 17 шиша қўлбола ароқ, ҳамда 52,5 литр сифатсиз спирт сотаётганлиги аниқланди. Қўлбола ароқ тайёрлаётганларни-ку, инсофсиз-иймонсиз дейишимиз мумкин. Бироқ ўша ароқларни сотаётган савдо ходимларини ким деб аташ мумкин. Наҳотки, улар оппоқ халат кийиб, ажал уруғи тарқатишаётганликларини билмаса? Халқимизда «харомдан хазар» деган ҳикматомуз гап бор. Бунинг маъноси шуки, харом луқма ҳеч қачон, ҳеч кимга юққан эмас.

Фахриддин ШЕРЙИГИТОВ,
Пахтачи туман давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи,
Азим ҚОДИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

Адлия вазирлиги Тошкент юридик коллежининг ўқув ишлари бўйича директори ўринбосари бўш лавозими учун танлов эълон қилади

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий таълим) ёхуд таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистрлар ва дипломли мутахассислар иштирок этиши мумкин.

Номзодларнинг аризалари Адлия вазирлигига тақдим этилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;

2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;

3. Илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатнинг нусхалари (мавжуд бўлса);

4. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

5. 4х6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;

6. Директор ўринбосари лавозимига номзоднинг бўлажак фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепцияси).

Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.

Манзилимиз: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй, Адлия вазирлиги биноси. Тел: 133-50-17.

Dunyoning ishlari

(Давоми. Боши ўтган сонда)

...Бу пайтга келиб, Жан Барт 14 та тўп билан жиҳозланган “Дофин” кемаси капитани эди. Тўғри, Жан учун кемадаги ҳарбий қуролларнинг кам ёки кўплиги эмас, аксинча, ўз бошқарувидаги кемаларнинг енгиллиги, тезюрарлиги ва кескин бурила олиши кўпроқ муҳим эди. Чунки у денгиз жангларида нимагаки эришган бўлса, барчасида қуроллардан кўра кўпроқ, чаққонлик ва тезкорлик эвазига эришганди. Бир сўз билан айтганда, у ҳамиша “денгиз чақмоғи”, деган шарафли номга лойиқлигини исботлаб келарди.

1690 йилларнинг иккинчи ярмига келиб, аллақачон французларнинг миллий қаҳрамонига айланиб улгурган Жан фақатгина қароқчилик билан шуғулланиб қолмасдан, балки ҳукуматга тегишли қимматбаҳо юкларни керакли манзилга етказиб бериш каби яхшигина даромадли иш билан ҳам машғул бўла бошлади. Ана шундай сафарлардан бирида у ҳукуматга тегишли “Серпант” кемаси капитани сифатида қатнашди. Кеманинг тағқисми, ҳаттоки палубалари ҳам порох тўлдирилган бочкалар билан лиқ тўла эди. Маълумки, 1690 йилларда порохнинг нархи олтин билан тенг юрган. Қолаверса, бортида порох тўла бочкалар ортилган кема билан очиқ денгизга чиқиш, бу – истаган пайтда арзимаган учқун туфайли кема қунпаякун бўлиши мумкин, дегани эди. Бунинг устига “Серпант” ўз палубасидаги юк билан Франциянинг Кале портидан йўлга чиқиб, бутун Ла-Манш бўғозини босиб ўтиб, Брестга етиб бориши лозим эди. Албатта, бундай хавфли сафарда қимматбаҳо юк ортилган кемани бошқариш учун Жан Бартдан бошқа номзодни топиб бўлмасди.

Энг қизиғи, Жан Барт ана шу хавфли сафарга ўзининг ўн икки яшарли ўғли Француа-Корнелийни ҳам олиб чиқади. Бу Француанинг очиқ денгизга биринчи саёҳати эди. Аввалига ҳаммаси жуда силлиқ кечди. Ҳаво очиқ. Шамол керакли томондан эсиб турибди. “Серпант” шитоб билан манзил томон елиб бормоқда. Ҳаммаси худди эртаклардагидек. Афсуски, фақат эртакларгина хайрли якун топади. Ҳаёт эса кутилган ва кутилмаган тасодифларга тўла. Бу гал ҳам шундай бўлди. “Серпант” йўлнинг ярмидан кўпини босиб ўтиб бўлган бир пайтда унинг йўлида голландларнинг ҳарбий кемаси пайдо бўлди ва уни ўққа тута бошлади.

Агар “Серпант”нинг палубасида порох тўла бочкалар борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Жан Бартда жангга кирмасдан қочиб қолишдан бошқа илож йўқ эди. Чунки бочкалардан бирига тасодифан келиб теккан дайди ўқ ҳам бу жангнинг тақдирини ҳал қилиши муқаррар эди. Шунинг учун ҳам Жан Барт голландлар билан жанг қилгандан кўра, барча елканларни кўтариб, туман орасида кўздан ғойиб бўлишни афзал билди.

Лекин бу гал голландларнинг ҳарбий кемаси “Серпант”нинг думидан қолмади. Жаннинг жанг қилмаслик йўлида қилган барча хатти-ҳаракати зое кетди. Чунки голландларнинг ҳарбий кемаси ҳам тезликда “Серпант”дан қолишмасди. Энди қутулишнинг ягона йўли, бу – голландлар билан жангга кириш ва уларни мағлуб этиш эди. Бошқа йўлларнинг барчаси бир манзил – муқаррар ҳалокат сари бошлаб борарди.

Жан Барт бу гал ҳам омадга ишониб, таваккалга қўл урди. Яъни қутилмаганда елиб бораётган кемани ортга қайтаришни буюрди. Аввалига денгизчилар ўз капитанлари нимани истаётганини тушунмай довдираб қолишди. Кейин унинг голландларга қарши жангга кирмоқчи эканини билиб, бутунлай эслари оғиб қолай, деди. Чунки арзимаган битта дайди ўқ барчасига нуқта қўйишини улар ҳам жуда яхши тушуниб туришарди. Лекин жанг пайтида Жан Бартнинг буйруғини бажармаслик қандай оқибатларга олиб келиши ҳам денгизчиларга жуда яхши маълум эди. Жан бундай пайтда ўзининг энг яқин кишисини ҳам аяб ўтирмасди. Денгизчилар муқаррар ўлимни бўйинларига олиб, “Серпант”ни орқага қайтара бошлашди.

Худди ана шу таҳликали лаҳзаларда Жан ўз ўғли Француа-Корнелийни кўриб қолди. Биринчи марта очиқ денгизга чиққан ва бунинг устига биринчи марта бундай таҳликали вазиятга дуч келган ўспирин қўрқувдан дир-дир титраб, порох тўла бочкалар орасида бекиниб ўтирган эди. Бу ўз фарзандларига ҳар доим ўта мулойим муомалада бўлиб келган Жаннинг қонини қайнатиб юборди. У ўғлини эртага ўзи капитанлик қилиши мумкин бўлган кемада, яна денгизчиларнинг кўз ўнгида бундай шармандали ҳолга тушганига чидаб тура олмас эди. Капитаннинг навбатдаги буйруғи ҳам денгизчиларни талвасага солиб қўйди. Чунки у денгизчиларга ўз фарзанди, яъни Француа-Корнелийни кема мачтасининг энг юқорисига боғлашни буюрган эди!..

Юқорида айтиб ўтганимиздек, жанг пайтида капитаннинг буйруғи сўзсиз бажарилиши шарт. Шунинг учун буйруқ олган денгизчилар лаҳзанинг юздан бир қисмида ўзларини тутиб олишди ва Француа-Корнелийни мачтанинг голландлар кемаси бостириб келаётган томонига арқон билан чандиб боғлаб ташлашди. Бу ҳолатда Француа рақиблар учун тирик нишон бўлиб қолган эди!..

Балки омад, балки тасодиф, янаям аниқроғи, капитан Жан Бартнинг денгиз жанги ҳадисини олгани боис бўлса керак, бу тенгсиз тўқнашувда “Серпант” ғалаба қозонди. Қочиб бораётган французлар кемасининг қутилмаганда кескин ортга қайтиши ва барча тўплардан бирданига берилган зарба голланд ҳарбий денгизчиларини шошириб қўйди. Уларнинг капитани эс-ҳушини йиғиштириб, қарши жангга буйруқ беришга улгурганида, Жаннинг йигитлари аллақачон голландлар кемаси палубасига ўтиб улгуришган эди. Жанг тақдири атиги бир неча дақиқаларда ҳал бўлди. Голландлар қуролларини қайта ўқлашга улгурмай туриб, қароқчилар уларни бирма-бир тиғдан ўтказишди.

Жанг тугаб, ҳамма бир-бирини табриклашга тушгандагина кимдир мачтага боғланган Француа-Корнелийни эслаб қолди. Буни қарангки, бахтли тасодиф туфайли шундоққина рақибнинг кўз ўнгида боғлиқ турган ўспиринга бирорта ҳам ўқ тегмаган эди.

“Ана шунда Жан Барт ўз ўғлига ўлимнинг кўзига тик қараб яшаш қандай бўлишини ўргатган эди”, деб ёзади бу ҳақда тарихчилар. Балки шунинг учун бўлса керак, вақти келиб Француа-Корнемий Барт ҳам денгизчилик касбини танлади. Тўғри, у отаси каби қароқчилик қилмади. Лекин денгизчиликда отасидан кам шон-шуҳратга эга бўлгани йўқ. У ҳаётдан Франция вице-адмирали сифатида кўз юмгани ҳам юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайди...

Энди Француа-Корнелийни қўйиб, яна Жан Бартнинг ўзига қайтсак. Жан ўз зиммасидаги вазифани аъло даражада бажарди. “Серпант” палубасида бўлган порохларни ҳеч бир талофатсиз Брестга етказиб бериб, Францияга янги шов-шув ва шон-шуҳрат қучоғида қайтди.

Лекин қутилмаганда Дюнкер шаҳарчасидан очиқ денгизга чиқадиган денгиз йўлини Англия қироллиги флоти эгаллаб олди. Французлар учун бахри уммонга чиқиладиган барча йўлдар тўсиб қўйилди. Бу энди нафақат Жан Барт ва унга ўхшаш қароқчилар, балки Франция қироллигининг келажаги учун ҳам жиддий хавф эди. Индамай қўл қовуштириб ўтириш ҳам, тиш-тирноғигача қуролланган Англия флотига қарши чиқиш ҳам муқаррар ҳалокатдан дарак берарди. Ана шундай оғир бир пайтда саҳнада яна Жан Барт пайдо бўлди. У Франция қироллигининг ўша пайтдаги денгиз вазири маркиз Поншартренга мурожаат қилиб, ўзига бир неча кичик кемалардан иборат эскадриля бериб, уларни пухта қурол-яроғ билан таъминлаш учун етарли маблағ сўради.

Маркиз Поншартрен унинг таклифини қабул қилиб, Жанга қироллик ҳисобидан тўртта кичик ҳарбий кема ва уларни ўзи истаганидай жиҳозлаш учун етарли маблағ ажратиб берди. Ҳар бир кема ўн ва ўн бештадан тўп билан таъминлангач, Жан Барт ўз қароқчилари ва ёрдамчиси Форбен ҳамроҳлигида денгизга йўл олди. Ўша туннинг ўзидаёқ Жан капитанлиги остида ҳаракатланаётган кемалар олтита улкан Англия қироллигига қарашли кемаларнинг изидан тушди. Бу олти кеманинг тўрттаси улкан савдо кемалари бўлиб, иккитаси ҳар бири қирқ-эллик тўп билан жиҳозланган ҳарбий қўриқчи кемалар эди.

Жан ўз одатига содиқ қолган ҳолда ярим тунда, англияликлар учун умуман кутилмаган бир пайтда ҳарбий қўриқчи кемаларга ҳужум қилди. Палубасида элликта тўп ва юздан ортиқ денгизчи бўлган англияликларнинг ҳарбий кемасини Жаннинг йигитлари ярим соатга қолмай эгаллаб олишди. Қирқта тўп билан жиҳозланган иккинчи кема экипажи ҳам айтарли қаршилик кўрсата олмади. Чунки зим-зиё тун қоронғуси Жан Барт ва унинг йигитлари учун жуда қўл келган эди. Ҳали уйқуси ўчиб улгурмаган кўплаб инглиз денгизчилари сувга ғарқ бўлишди...

Эртаси куни эрталаб Жан Барт ва унинг йигитлари тўртта кичик кемада Дюнкер портига Англиянинг олтита улкан, бунинг устига бортида беҳисоб бойликлар бўлган кемасини асирга олган ҳолда қайтишди.

Шунинг учун Жан Бартнинг бу ғалабаси унинг шон-шуҳратини ошириш, рақибларида қўрқув уйғотишдан ташқари, Франциянинг очиқ денгизга бемалол чиқишини таъминлаган зафарли юриши сифатида ҳам тарих саҳифаларига муҳрланди.

Хорижий матбуот материаллари асосида
И.ҲАМРОЕВ тайёрлади

ЭЪЛОН!

1. Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Шайхонтоҳур туман 1-сон ва Мирзо Улуғбек туман 2-сон давлат нотариал идора нотариуси лавозимига;

2. Сирдарё вилоят адлия бошқармаси Гулистон шаҳар 1-сон давлат нотариал идора нотариуси лавозимига;

3. Андижон вилоят адлия бошқармаси Асака туман 2-сон давлат нотариал идора нотариуси лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;

2. Паспорт нусхаси;

3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;

4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида тегишли вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси телефони: (8-371) 169-14-45.

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси телефони: (8-3672) 25-09-69.

Андижон вилоят адлия бошқармаси телефони: (8-3742) 22-30-89.

Jinoyat va jazo

Ваҳшийлик қурбонлари

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Катталарга ҳурмат кўрсатадиган, кичикларга ёрдам берадиган ёшда, нон-туз берган эл-юртга хиёнат қилган, бегуноҳ одамларнинг қонини тўккан, жамиятимизда илгари сурилаётган меҳр-оқибат, раҳм-шафқат, инсонийлик тамойилларига доғ туширган бундай кимсани ким деб аташ мумкин? Жамиятимизда бундай одамларга ўрин борми?

Маънавий-ахлоқий меъёрлар бузилаётганлиги ва носоғлом турмуш тарзи оқибатида содир бўлаётган бундай даҳшатли фожиаларнинг олдини олишга нега ожизлик қилаяпмиз? Энг ачинарлиси, бегуноҳ она-бола фарёдини, ёрдам сўраб қилган илтижоларини, наҳотки, ҳеч ким эшитмади? Ўзининг ноқонуний «турмуш ўртоғи» содир этган мудҳиш жиноятдан В.Сапелованинг наҳотки хабари бўлмади?

Дарвоқе, В.Сапелова ҳақиқатан ҳам А.Зигурис билан 2005 йил май ойидан буён бирга яшаётганлигини маълум қилди. Ўша куни ҳам ароққўрлик қилган «эр-хотин» жанжаллашиб кетганидан сўнг Августнинг уйдан чиқиб кетганлигини орадан бироз вақт ўтгач, галереяда шовқин-сурон эшитилгандек бўлганлигини, сўнгра бир қора шарпа қандайдир нарсани кўтарганча йўлга чиқаётганлигини кўриб, Зигурис деб чақирса, у қарамаганлигини билдирди. Хўш, сандиқни олиб кетаётганда уни, яъни қора шарпани кўрган бўлса, Зигурис қонга беланган қўлини ювгани кирганда ёки у қолган ароқни ичаётганда В.Сапелова қаерда эди? Бошқа қўшниларнинг ширин уйқусини Феруза ва Умиданинг ёрдам сўраб қилган нолалари, наҳотки, бузмаган бўлса?..

Бунинг устига хасталиги учун шифокор назоратида турувчи Феруза Қўшоқова бировга озор бермайдиган, ёлғиз фарзанди Умида билан бирга, йўғига сабр, борига шукр қилиб яшаётган аёл эди. Унинг ҳимояга муҳтожлигини ҳамма биларди.

Шундай вақтда лоқайдликни лаънатлагинг келади, бепарво одамлардан кўнглинг қолади. Бугун ташқи кучлардан, терроризм каби балолардан ўзимизни асраш, ҳар

Суд очерки

қандай хавфдан огоҳ бўлиш ҳақида жуда кўп даъватлар қилинаяпти. Аммо лоқайдлик, эътиборсизлик ҳам кўплаб фалокатларга сабаб бўлаётган хавфли иллат эканлигига парво қилмаяпмиз. Ва ана шу лоқайдлик оқибатида не-не умрлар, қанча-қанча эзгуликлар завол топмоқда.

Бу фожианинг яна бир сабаби — маънавий тубанлик. Чунки маънавий тубанлик бор жойда турли хил ёмон иллатлар, ёвуз ниятлар болалайди. Кечириб бўлмас хатолар илдиз отади.

Суд А.Зигурисни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми, Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмлари билан айбдор деб топиб, 20 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Йигирма ёшли йигит умрининг йигирма йилини маҳкумликда ўтказади. Унга ачиниш, шафқат тилаш ноўрин. Инсон ҳаёти, умри олий қадрият саналган бизнинг жамиятимизда бундайларни кечириб бўлмайди.

Неъмат АКБАРОВ,
Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди судьяси,
Маруса ҲОСИЛОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

«Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси жамоаси таҳририят ходими Ислом Ҳамроевга волидаи муҳтарамаси

Ҳайитгул она ДАМИНОВАнинг

вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Бобомурод РАЙИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Махмудов Лазизжон Мирзаевич
Содиқов Хуршид Махмасиддиқович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Аслиддин СУЮНОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Буюртма Г-116. Тиражи — 7500.

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 24.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5